

Ўзбекистон ДавлатКонсерваторияси

“Анъанавий чолғу ижрочилиги” кафедраси

Ижрочилик санъати тарихи фанидан

Курс иши.

Мавзу: доира чолғуси ҳақида асосий
МАЪЛУМОТЛАР

Бажарди: “Анъанавий чолғу ижрочилиги”

таълим йўналиши 3-курс талабаси Отаев Шамсиддин

Қабул қилди: Матёқубов Ш.

Тошкент 2016

РЕЖА:

КИРИШ

1. ДОИРА ЧОЛҒУСИ.
2. ДОИРАНИНГ НОТА ТИЗИМИ.

ХУЛОСА.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

Кириш

Ўзбекистон истиқлолга эришиши муносабати билан азалий кадрятларимизни тиклаш, ўз тарихимизни, миллий урф-одат ва анъаналаримизни маънавий ва шу жумладан бадиий меросимизни атрофлича ўрганиш ҳамда ундан бахраманд бўлиш имконияти вужудга келди. Мамлакатимизда мустақиллик йўлидаги илк қадамларданок жамиятнинг барча сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий соҳаларидаги туб ислохотлар амалга оширила бошлади. Бунинг исботи сифатида 1997 йил "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва 2000 йилдаги "Учинчи минг йилликнинг боласи" ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилди. Мазкур қонун, дастур ва ўқув қўлланмаларнинг барчаси ўқув жараёнини яхшилаш, ёш авлодни жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатлама келажакка тайёрлаш ва шу билан биргаликда мушқатил Ўзбекистони-мизнинг келажagini фаровон қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Таълимнинг барча соҳаси сингари мушқа соҳасига ҳам жуда катта эътибор қаратилмоқда. Китоблар, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратилмоқда.

Бугунги кунда мушқа санъатига, умуман анъанавий мушқа намуналарига, бастакорларининг дурдона асарларини ўрганишга эътибор кучайиб бормоқда. Шу жумладан ўзбек халқ мушқасини ўрганиш ва уларни таҳлил этишга ҳам аҳамият берила бошлади. Дарслик ва ўқув қўлланмаларга, мушқий маданият дарслари дастурларига ўзбек халқ мушқаси, чолғулари, оммалашган жанрларини, энг кенг ижро этиладиган куй ва қўшиқлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритила бошланди. Доира чолғусида ижро этилаётган асарларни идрок этиш, тушуниш, уларни ўхшашлик ҳамда фарқли томонларини аниқлаш ишларини йўлга қўйиш зарурлиги инобатга олган ҳолда рефератимизга бу мавзунини танлаб олдик.

1. Доира чолғуси

Марказий Осиё халқлари мусиқа маданиятининг сарчашмалари узок ўтмишдан бошланади. Милоддан аввалги биринчи минг йилликдаёқ Марказий Осиё халқлари ҳаётида мусиқа ва рақс санъати алоҳида аҳамият касб этган. Марказий Осиё ва айрим шарқ халқлари кўҳна мусиқа маданиятининг ўзига хос белгиларидан бири — оммавий халқ кўшиқлари ва чолғу куйлари билан бир қаторда, анъанавий ҳисобланган оғзаки услубдаги мусиқа санъати вужудга келди ва ривожланди.

Марказий Осиё халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг қадимий куй ва кўшиқлари тўғрисидаги дастлабки маълумотларни шарқ мусиқа маданияти ҳақида фикр юритган ўрта аср олимларининг рисоаларидан ҳам билиб олсак бўлади. Мусиқа илми ва амалиётига оид турли муаммолар устида биринчилар қаторида фикр юритган мутафаккирлардан бири машҳур файласуф, қомусий аллома Абу Наср Форобийдир (IX-X аср). Унинг мусиқага оид «Китоб ал-мусиқий ал-кабир» номли улкан китоби («Мусиқа ҳақидаги катта китоб») кейинги авлодлар ижоди учун дастуриламал сифатида хизмат қилиб келмоқда десак, ҳеч муболаға бўлмайди. Шунингдек, бу асар Абу Али ибн Сино (X-XI аср), Абдурахмон Жомий (XV аср), Нажмиддин Кавкабий (XVI аср) ва Дарвиш Али Чангий (XVI-XVII аср) тадқиқотларига ҳам асос бўлди. Уларнинг асарларида зикр этилишича, Марказий Осиё халқлари, айниқса, ўзбек халқининг мусиқа маданияти, жумладан, чолғу созлари қадим замонларданоқ хилма-хил ва бой бўлганлигидан далолат беради. Асрлар давомида Марказий Осиёда танбур, уд, най, чанг, рубоб, қўбиз, ғижжак, сурнай, буламан, ноғора ва доира каби мусиқа чолғулари кенг қўлланилиб келинган.

Бизгача етиб келган маълумотларга кўра, жўрनावоз зарбли соз сифатида оммалашган доира ҳам ўзининг ривожланиб келаётган, миллий оҳангларга бой зарб ва усуллари билан халқ орасида шуҳрат қозониб келган.

Эрамиздан аввалги икки мингинчи йилликка оид Саймалитош археологик қазилмаларидан топилган доирасимон созларда ижро этилаётган тасвирлар жуда қадим пайтлардаёқ вужудга келган чолғу эканлигидан гувоҳлик беради. Турли тасвирларда акс эттирилган бу чолғу замонавий ўзбек ва тожик доираларига айнан ўхшаб кетади.

Айрим қадимий тасвирлардагига нисбатан доиранинг ҳозирги тузилишида баъзи ўзгаришлар мавжуд. Масалан, доира гардишида тешиклар ўйилмайди, ҳозир эса уларнинг ўрнини гардишнинг ички томонидан осиладиган маъдан халқачалар эгаллаган. Гардиш устига тортиладиган тери сатҳи (мембрана) ҳам бир мунча кенгайган. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, булар асосан XV-XVI асрларга оид китоб безакларида, Шарқ миниатюраларида тасвирланган. Аммо Марказий Осиёнинг ундан олдинги антик ёдгорликларидан ҳисобланган Нисо қалъасининг пештоқларида тасвирланган доиралар бу чолғунинг илк тузилиши ҳозирги ўзбек доираларига яқин эканлигини кўрсатиб турибди.

Бу чолғу ўзбек ва тожикларда «доира», «чирманда», «чилдирма», арманларда «дап», эрон ва мисрликларда «дафф», озарбайжонларда «дэф», «дойре», «гавал», айрим шарқ мамлакатларида «дабу» ва бошқа номлар билан кенг тарқалганлиги маълум. Умуман, доира турлари бир-биридан катта-кичиклиги, таркибий қисмларининг тузилиши, ижрочилик услублари билан фарқ қилади.

Марказий Осиё ерларида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида олинган маълумотларга қараганда, ислом давридан олдинги замонларда доира ижросига, асосан, аёллар жўр бўлган. Уларнинг доира усулларига мос қўшиқ айтиши ва рақсга тушиши ўша даврларда шаклланиб, асрлар оша ривожланиб келган. Ҳозирги кунда ҳам Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Наманган ва бошқа бир қатор вилоятларда доира аёллар ижрочилигидаги асосий чолғулардан биридир. Айниқса, Фарғона воҳасининг шаҳар ва қишлоқларида фақат доира жўрлигида қўшиқ айтадиган, рақсга

тушадиган қанчадан-қанча халқ дасталари тузилган. Улар турли анъанавий маросимлар билан боғлиқ бўлган тадбирларда иштирок этишади. Ёр-ёрлар, ўланлар, лапарлар, яллалар ҳамда замонавий кўшиқ ва рақсларни ижро этадилар. Бундай турдаги халқ дасталарининг ижрочилик санъати кун сайин кўплаб мухлисларнинг эътиборини қозонмоқда. Хужжатларнинг далолатига кўра, доира - зарбли созлар қайроқ, занг ва бошқалар билан бир қаторда оймома маросимларида қоҳинлар томонидан кенг қўлланилган. Нисо пештоқларида тасвирланишича, доира диний маросим рақсларига жўр бўлувчи чолғу саналиб, айрим ҳолларда рақсга тушувчиларнинг ўзлари доирачилар томонидан ижро этилган.

Турли тоифадаги чолғу ва ашула дасталари таркибида ҳам доира олдиндан салмоқли ўрин тутиб келган. Халқимизнинг маънавий бойлиги, халқ ижодида асрлар оша шаклланиб, ривожланиб келган мақомларда эса, асосий негиз лад ва усулдир. Шунинг учун миллий мусиқамизнинг шоҳ асарлари бўлмиш мақомлар ижрочилигини доирасиз тасаввур этиб бўлмайди. Мақомларнинг наср ва мушкулот ижро йўллари юқори малакали ижрочи созандалару-хофизлар доира билан ҳамкорликда ижро этишган.

Маълумки, доира ва барча зарбли чолғулар ижрочилиги вужудга келиши ва равнақи жараёнида Марказий Осиё миқёсида ҳар бир воҳада ўзига хос маҳаллий ижрочилик услублари шаклланган. Бу услубларда ҳар бир воҳанинг ўзига хос хусусиятлари, аҳамият қасб этувчи томонлари ҳамон ўз моҳиятини сақлаб келмоқда. Буларга Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Фарғона-Тошкент доира ижрочилигини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Хоразм доирачилиқ мактаби ўз ижрочилиқ услуби ва усуллариининг таркиб топиши жиҳатидан Ўзбекистоннинг бошқа воҳаларидаги доира ижрочилиги услубларидан фарқ қилади. Шу билан бирга, Хоразмда икки хил - катта ва кичик доира чолғуси мавжуд бўлиб, асосан жўр бўлувчи соз сифатида қўлланилади. Бу воҳада доира ижрочилигининг яқканавозлик услуби унча ривож топмаган. Бевосита

чолғунинг ижро ҳолатини айтадиган бўлсак, Хоразмда доира мўътадил киздирилади ва шу туфайли ўзгача тембрга эга товуш ҳосил қилади.

Биздаги бор муסיкий манбалардан кузатишимизча, қадимдан барча воҳалар муסיқа дасталарининг ижрочилик фаолиятида доира доим иштирок этган. Одатда, бир доирани ишлатиш кенг оммалашган, лекин баъзи ҳолларда икки, уч доира ҳам ишлатилганлиги маълум. Бироқ ҳамма маълумотларда доира якканавозлиги ҳақида бирдек сўз юритилмаган. Бу ҳол XX асрнинг дастлабки даврига ҳам тааллуқлидир. Аммо доира чолғусининг бутун ижровий хусусиятлари якканавозликда, рақсга жўр бўлиш жараёнида намоён бўлади. Доира якканавозлигининг таркиб топишида рақс санъатининг таъсири катта. Чунки бу жараён рақсларда бўлган ҳаракат, жозиба, лутф, имо-ишора каби халқимизга хос гўзал анъаналарни доира усулларида тўла ифодалаш билан боғлиқдир. Шу билан бирга, бу ҳолат доира ижрочиси учун хилма-хил, ранг-баранг усуллар мажмуасини тузиш ва уларни моҳирона ижро этиш билан чегараланмай, анъанавий рақс санъати сирларини ҳам тушунишни, ҳис қилишни талаб этади. Оҳанг ва вазн жиҳатларидан таркиб топган хилма-хил мураккаб рақслар мажмуасидан шаклланган асарларда бир усулдан иккинчи усулга ўтишнинг табиий ва мантиқан асосланган йўлини топиш доира ижрочисининг маҳоратига боғлиқдир. Бундан ташқари, янги-янги рақсларни (доира жўрлигида) яратиш, уларни ўзлаштириш ва сахналаштириш каби бир қатор тадбирларда доирачи ҳам ғоят муҳим роль ўйнайди. Зеро, рақсни эркин ривожлантиришнинг асосий мезонларидан бири усуллар мажмуасидир.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистонда доира ижрочилигининг янги услуби, яъни унинг якка соз сифатида қўлланиши ривожлана бошлади. Бу ишга 1947 йилда, Тошкентдаги собиқ пионер ва ўқувчилар саройи (ҳозирги Республика ўқувчилари ва ўсмир ёшлари ижодиёт маркази) қошида доирачи болалар тўгараги ташкил этиш билан илк бор қадам қўйилди. Уларнинг фаолияти бой ўзбек усулларини ўрганиш билан

бир қаторда, эстрада сахналарида битта ёки бир нечта (тўрттагача) доирада якканавоз бўлиб ижро этиш услубларини ҳам ўрганишга асосланган эди. Доирачи болалар тўгарагини битирганлар кейинчалик эгаллаган ижрочилик маҳоратлари туфайли ўзбек мусиқа санъатини дунёнинг турли мамлакатларида намойиш этиб, олқишларга сазовор бўлдилар. Қатор доирачиларнинг ижрочилик санъати юксак мукофотлар билан тақдирланган. Улар орасида Ўзбекистон халқ артистлари ва Давлат мукофоти совриндорлари, халқаро ва Республика танловлари, жаҳон фестивалларининг бир неча ғолиблари бор. Жумладан: Қаҳрамон Дадаев, Талъат Сайфутдинов, Одил Камолхўжаев, ака-ука Дилмурод, Холмурод, Элмурод Исломовлар, Хусан Носиров каби санъат намояндалари эл-юрт эътиборини қозонганлар.

Биз келтирган мисоллар доира ижрочилик анъаналарининг ҳаётийлиги ва замонавий руҳда ривожланиб, янгидан янги жанр ва шаклларни вужудга келтириши мумкинлигини ва ўзбек анъанавий мусиқа санъатида доиранинг тутган салмоқли ўрнини кўрсатади. Доирадан таралган садолар тингловчиларни ўзига ром этиб, уларда бадийий ва эстетик қизиқиш уйғотиши эса шубҳасиздир.

Муҳим тарихий манба тариқасида И.Ақбаровнинг Уста Олим Комиловдан ёзиб олган «Доиранинг зарблари» тўпламини эслатиб ўтиш лозим. Бундан 57 йил муқаддам чоп этилганига қарамай, ушбу тўплам ҳозирги кунгача анъанавий усулларнинг энг тўлиқ мажмуаси деб тан олинади.

Юқорида қайд этилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, доира ижрочилиги ўзбек мусиқа санъатининг ажралмас бир қисмидир.

Доира чолғуси асосан тут, ёнғоқ ва ўрик каби мевали дарахтлардан ясалади. Доира гардишининг диаметри (айланма ҳажми) 37 см-дан 40 смгача, гардиш эни эса 5-6 см қалинлигида бўлади. Чолғуга қопланадиган тери

(мембрана) эса, от, бузоқ каби уй ҳайвонлари терисидан тайёрланади ва гардишга махсус елимлар ёрдамида ёпиштирилади.

Доиранинг барча хусусиятларини назарда тутган ҳолда, уни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- оғир гардишли;
- ўрта гардишли;
- енгил гардишли.


Доирага қопланадиган терининг барча хусусиятларини назарда тутган ҳолда, уни ҳам уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- қалин тери;
- ўрта тери;
- юпқа тери.

Доира қоплаш жараёнида оғир гардишга қалин тери, ўрта гардишга ўрта тери, енгил гардишга юпқа тери қоплаш мақсадга мувофиқдир.



Доиранинг ташқи кўриниши



Доиранинг ички кўриниши

1. ДОИРА ГАРДИШИНИНГ ИЧКИ КЎРИНИШИ

Доира гардиши ички томонига унинг диаметрига қараб, 70-80 та ва ундан ортиқ металл ҳалқачалар ўрнатилади. 14-15 га яқин битталиқ ёки учталиқ безак балдоқлари михланади. Гардишнинг териға туташган ички

томони доира зарбларини бўғмаслиги учун бир оз ёйсимон йўнилган бўлиши лозим.

2.

3. *ДОИРАЧИНИНГ ИЖРО ҲОЛАТИ*

Доира икки ҳолатда чалинади: ўтириб ва тик турган ҳолда. Албатта, бу маълум шарт-шароитларга боғлиқдир. Чолғучи, асосан ижро жараёнида кўпроқ тик турган ҳолда, оркестр ва ансамбль таркибида эса кўпроқ ўтирган ҳолда чалади. Доирани туриб чалганда, оёқлар оралиғи елка кенглигида туриши мақсадга мувофиқдир. Иккала қўл тирсаклари гавдага тегиб турмаслиги лозим. Ҳар доим ижро этиш мобайнида қўллар қотиб, толиқмаслиги учун доирани юқорига кўтариш, қуйига тушириш қўл, билак ва тирсакларининг ҳаракатларини енгиллаштиради.

Доирада ижро этиш сабоғини ўрганувчи ҳар бир ўқувчи, аввало маълум даражада ижрочиликнинг қонун-қоидаларига амал қилиши керак. Бунда чолғучи бошни тўғри, елкаларни бўш тутиб, ўтирғичга суянмасдан, ўтирғич четига яқинроқ ўтириши керак. Ўнг оёқ чап оёққа нисбатан маълум даражада орқароққа жойлашиб, ерга таянган ҳолда туради. Чолғучи ўз атрофидаги созанда, раққоса ва ижрочиларни кўриб туриши учун доирани ўзидан озгина чапроққа олиб ушлаши лозим.

2. Доиранинг нота тизими

Халқ мусиқа ижрочилиги санъатининг кўпгина созлари каби доира чолғучилигида ҳам XIX асрнинг иккинчи ярмигача усулларни ноталаштириш яхши йўлга қўйилмаган эди. Қадимдан доирачиларга усулларни устоз-созандалар томонидан оғзаки, яъни устоз-шогирд қабилида амалий кўрсатиш йўли билан ўргатиб келинган. Зарб ва нақрларни илк бор қоғозга тушириш эса, ўтмишда яшаб, ижод қилган Ал-Форобий (IX-X аср), Сайфуддин Ал-Урмавий (XII-XIII аср) каби буюк алломаларнинг мусиқий рисолаларида

баён этилган. XIX ва XX аср бошларида Комил Хоразмий ва мумтоз мусиқа йўлидаги усуллар мажмуаларини Фитрат домла ўз асарларида нота чизигисиз баён этишган. Доира зарб ва усулларини ноталаштириш услубининг ўзига хос, мукаммалроқ йўлини XIX асрнинг 80-йилларида маълум даражада харбий капельмейстер А.Эйхгорн, XX асрнинг 20-30 йилларида эса таниқли рус мусикашунос этнографлари В.М.Беляев, В.А.Успенский, Н.Н.Мироновлар бошлаб берганлар. Улар доира чолғу усулларини, асосан урма чолғулар учун амалиётда қабул қилинган бир чизикли нота ёзуви услубида кўрсатиб берганлар.


Доира ижрочилигида уч ижро воситаси мавжуд: ранг-баранг тембрлар, усул ва хилма-хил динамик шакллар. Буларнинг барчаси доира ижрочилик санъатида ўзаро чамбарчас боғланган. Доира зарб ва усуллари созанданинг иккала қўл бармоқларининг бир хил ҳаракатлари таъсирида ҳосил бўладиган кучли ва кучсиз зарб садолари туфайли вужудга келади. Шунинг учун ҳам, доира ижрочилик санъатининг бой ва хилма-хил ижрочилик имкониятларини бир чизикли нота ёзуви услуби тўлиқ ифода эта олмайди. Чунки, бир чизикли услубда доира зарбларини, асосий товуш манбаи (бак, бум) зарбларини кўрсатиши мумкин, холос.

1952 йили А.И.Петросянц қаламига мансуб «Доира дарслиги» чоп этилди. Бу дарсликда муаллиф доира нота ёзуви услубини янада кенгайтди. Бу нота ёзув услуби замонавий доира чалиш йўлларининг барча имкониятларини қамраб олди. Ушбу ёзув тизими доира ижрочилик амалиётида ҳар томонлама қулайликлар яратди ва бу услуб ўз мукамаллиги билан ҳозирги кунда доира учун асосий нота ёзуви вазифасини бажармоқда. Сўнгги йилларда Я.Ҳаққуловнинг доира чалишни ўрганиш учун чоп этилган «Доира учун пьесалар», О.Камолхўжаев, А.Ливиевнинг «Доира дарслиги», Т.Ашрафхўжаев, А.Исматуллаевнинг «Доира синфи бўйича хрестоматия» каби ўқув-услубий қўлланмалари ана шу нота ёзувига асосланган бўлиб, ижрочиликда кенг қўлланилмоқда.

А.И.Петросянц қўллаган доира учун нота ёзуви таркибида ҳар хил зарблар асосида шаклланган доира усуллари ноталаштиришда ўнг қўл ва чап қўл учун махсус бир жуфт икки йўлли нота чизигидан фойдаланади.

Нота белгиларининг чўзимига риоя қилган ҳолда, хилма-хил зарб товушлари ўнг қўл учун ҳам, чап қўл учун ҳам бу чизикларда бир хил белгилар билан кўрсатилади.

Ҳар хил усулларни ёзишда беш чизикли нота йўлидан фойдаланиш ҳам мумкин, бунда ўртадаги учинчи чизик ишлатилмайди. Бундай ҳолларда ўнг қўл учун пастки 1 ва 2 -чизиклар, чап қўл учун юқори 4 ва 5-чизиклар ишлатилади. Аммо Шарқ халқларининг куй ва қўшиқларига жўрнавот бўлиш жараёнида чап қўл учун мўлжалланган катта ва кичик бумлардан ўринли фойдаланиш чолғучининг маҳоратига боғлиқдир.



ўнг қўл

Пастки икки чизикқа ўнг қўл, юқоридаги икки чизикқа чап қўл зарблари туширилади.

ўнг қўл

чап қўл




Катта бум	Кичик бум	Катта бак	Кичик бак	Чертиб чалиш		Катта бум	Кичик бум	Катта бак	Кичик бак	Чертиб чалиш
-----------	-----------	-----------	-----------	-----------------	--	-----------	-----------	-----------	-----------	-----------------


Безак турлари

«Шинғироқ». Доира зарблари остида ҳалқачаларнинг бир-бирига урилиши натижасида ҳосил бўладиган товуш «шинғироқ» деб аталади ва амалиётда (х) белгиси билан ифодаланади. «Шинғироқ» тажрибада, асосан, икки кўринишда учрайди: мустақил ва жўрликда. Иккинчи кўринишда бу услуб ҳар хил усуллар билан биргаликда қўлланилиб, ҳар бир урилган нукраларга безак беради. Мисол:

«Шинғироқ» нинг мустақил қўлланиши:



«Шинғироқ» ижро



«Шинғироқ»нинг ҳар хил усуллар билан биргаликда қўлланилиши: услубидан мустақил ёки усуллар таркибида моҳирона фойдаланиш доирачининг зеҳни ва маҳоратига боғлиқ.

Нукта (.)

«Нукта» белгиси доира терисининг ўртасига ёки четига тирноқ билан чертиб чалишни билдиради.

Пона

«Пона» белгиси доира гардишининг энг чеккасига жимжилоқни тўртинчи бармоқ устидан сирғантириб чалишни билдиради.

«Илон изи» - бошмалдоқ учи билан доира гардишининг терисига туташган четидан ўзига томон сирғантириб, дириллатиб ижро этишни билдиради.

Илон изи



«Илон изи» – бошмалдоқ учи билан гардишининг терисига туташган четидан ўзига томон сирғантириб, дириллатиб ижро этишни билдиради. Бундай ижро этиш услубидан доирачи якканавозликда, икки-уч дойра жўрнавозлигида фойдаланади. Лекин бу ижро жараёнида бошмалдоқ тирноқларига эҳтиёт бўлиш талаб этилади.

Юлдузча



«Юлдузча» белгиси ўнг қўлнинг «кичик буми» ва «кичик баки» устига қўйилади. Бу вақтда чолғучи қўлини теридан узмайди ва товуш дарров сўнади.

4. *Нохун*

Қадимдан кекса авлод доирачилари оммавий катта сайлларда, ҳар хил байрам тантаналарида, анжуманларда карнай, сурнай, ноғора чолғулари билан биргаликда куйлар ижро этиш жараёнида доира зарб усуллариининг кучли таралиши учун иккала қўлнинг тўртинчи бармоғига нохун темирчаларини кийгизишиб ижро этишган. Сўнгги йилларда доира чолғучилик амалиётида нохун темирчаларни кийиб чалиш ёш созандаларнинг доира ижро сирларини мукаммал ўзлаштиришига имкон бермаганлигини кўрсатди, чунки нохун кийиб чалишга ўрганган доирачи нохунсиз чалиш услубларини йўқотади. Нохун товушни сунъийлаштириб, соф, табиий садо беришига тўсқинлик қилади. Ҳозирда нохун кийиб доира чалиш ҳоллари жуда кам қўлланилмоқда.

ХУЛОСА

Ўзбек доирасининг оммалаши халқ орасида ўз эшитувчиларини топишига биринчи пойдевор бўлган инсон Ўзбекистон халқ артисти Уста Олим Комиловдир. Уста Олим Комиловнинг устози Масаид Ота Марғилоний бўлганлар. Уста Олим Комиловнинг доира ижро услуби рақс терма усулларига асосланган бўлиб ўзбек рақс санъатининг бутун дунёга тарғиботида катта хисса кўшган. Рақс усул термаларинг йиғиндиси “Қўш қарс I- II-”да жам бўлагн. “Қўш қарс” 48тадан ортиқ рақс терма усулларни ўз ичига олган бўлиб, у усуллар: “қўш қарс”, “якка қарс”, “оқсатма”, “гул ўйин” каби ўз номларига эга. Ушбу усуллар асосида “Қўқонча”, “Бурулча”, “Тантана”, “Катта ўйин” ва яна бир нечта терма усуллар дарсликлари яратилди.

Уста Олим Комиловнинг биринчи шогирдалри Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тўйчи Иноғомовдир. Доирачилик мактабининг ривожига Тўйчи Иноғомов катта хисса кўшган. Тўйчи Иноғомов устоз йўлини давом эттирган ҳолда терма усуллар ижросини сайқаллаштирган. Тўйчи Иноғомовнинг ижро услублари содда ва равон йўлдир. Рақс терма усулларни янада ривожлантириб, “Бухороча”, “Шодлик”, “Довул” каби ва яна бир қанча доира асарларини яратди. Тўйчи Иноғомов ижрочи бўлишдан ташқари яхши устоз ҳам бўлганлар. Доира созининг моҳир ижрочиларининг аксариати Тўйчи Иноғомовдан сабоқ олганлар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Акбаров И. Ритмы дойры. Ташкент, изд: Узгосиздат, 1952
2. Асафьев Б. Музыкальная форма как процесс. Л., Музгиз, 1971.
3. Беляев В. М. Музыкальные инструменты Узбекистана. Москва, 1933
4. Бочкарева О. О ритмике узбекской народной инструментальной музыки. В кн.: «История и современность». Проблемы музыкальной культуры народов Узбекистана, Туркмении и Таджикистана, М, Музыка, 1972
5. Бочкарева О. Музыкальные инструменты Узбекистана и закономерности мелодики узбекской народной инструментальной музыки. (Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата искусствоведения). Ташкент, 1969
6. Вахромеев В.А. Музиканинг элементар назарияси. Тошкент, «Ўқитувчи», 1980
7. Вызго Т.С. Музыкальные инструменты Средней Азии. Исторические очерки. М., Музыка., 1980
8. Гиёсов Н. «Ноғора нолалари» (қўл ёзма)